

НАЪМАТАК ПЛАНТАЦИЯЛАРИДА ЕР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ, УСУЛЛАРИ ВА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕХАНИЗМЛАР. НАЪМАТАК КЎЧАТЛАРИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

1. Гаффаров Шерали Болтаевич
2. Тожиева Фарида Шамаевна
3. Эшбуриева Умида Рустамовна
4. Каюмова Рисолат Баймуратовна

Термез агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7543655>

Анотация: Наъматак саноат плантацияларини барпо этиш учун сифатли кўчатлар зарур бўлади. Экиладиган уруғнинг сифати кўчат етиштиришни муваффақият билан ўтказишга, ҳамда кучатларни доимий жойларига экилгандан сўнг яхши ривожланиб, тезроқ ҳосилга киришига ва ташқи муҳит омилларига чидамли бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Шу сабабли уруғлар серҳосил, йирик мевали, касаллик ва зараркунандалардан зарарланмаган, витамин миқдори юқори, ҳамда қимматли генетик сифатларга эга бўлган буталардан тайёрланади.

Наъматак уруғларини тўлиқ физиологик етилиши меваси тўлиқ етилишидан сал олдинроқ руй беради. Мева эти сариқ, қуёшга қараган томони қизарганда (август охири-сентябр боши) уруғлари экиш учун яроқли бўлади. Бунинг учун унинг уруғлари мевасидан ажратилади, тўқ уруғларни пуч уруғлардан ажратиш учун сувли идишга солинади. Тўқ уруғлар идиш тубига чўкса, пучлари сув юзасига қалқиб чиқади. 1 кг меваларидан 10-17% уруғ чиқади. Уруғлар мевадан ажратилгандан сўнг стратификация қилиниши керак. 50-60 кун стратификация қилинган уруғлар ноябр ойида нам тупроққа 8 г/м миқдорида сепилади. Стратификация жараёни қуйидагича ўтказилади: уч хажм тоза дарё қумига бир хажм уруғ бир текисда аралаштирилади ва доимо нам ҳолатда сақланади. Уруғлар олдиндан тайёрланган ораси 60 см бўлган кўтарма эгатларга 10 см кенгликда, 2 см чуқурликка тасмасимон қилиб қўл ёрдамида экилади.

Уруғ сепилган эгатлар пуштаси ёғоч қипиғи билан мулчланади ва дарҳол захлатиб суғорилади. Уруғларни териш, ажратиш, стратификация қилиш ва экиш жараёнларида уруғларни қуритиб қуймасликка эътибор бериш керак.

Наъматак уруғлари баҳорда март-апрель ойларида униб чиқади, бу даврда тупроқни намлатувчи суғоришни амалга ошириш ниҳолларни бир

текисда униб чиқишни таъминлайди. Наъматак кўчатлари тупроқ намлиги 60-70% бўлган шароитларда яхши ривожланади ва ўсади. Бунииг учун вегетация даврида 10 марта суғоришни амалга ошириш зарур: май ойида-иккита, июнда-учта, июлда-учта, августда-икки марта суғорилади. Суғоришдан сўнг тупроқ етилгач юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Бу тадбирлар заруриятга караб 6-8 марта ўтказилади. 1 гектар кўчатзорга $N_{90}P_{90}K_{90}$ кг га (таъсир этувчи моддасига кўра) ҳисобидан минерал ўғитлар солиш кўплаб стандарт кўчатлар чиқишини таъминлайди.

Минерал ўғитлар (азот фосфор, калий) қуйидаги муддатларда солинади: биринчи озиқлантириш - майнинг охирида (азот); иккинчи озиқлантириш июннинг охирида (азот ва калий); учинчи озиқлантириш - август охирида (фосфор). Фосфорли ўғитлар кузда бўлғуси кўчатзор учун ажратилган ер майдонини шудгорлашдан олдин солинса, янада самарали бўлади. Минерал ўғитлар эгатлар бўйлаб уруғ сепилган қатордан 15-20 см масофада ва ер сатҳидан 10-12 см чуқурликка солинади. Кўчатларга минерал ўғит солишдан аввал эгатлар бегона ўтлардан тозаланади, ўғитлар билан озиқлантирилгандан кейин суғорилади.

Наъматак кўчатлари бир йил давомида парваришланади ва шундан кейингина доимий жойига ўтказиш учун яроқли бўлади. Ер устки қисми баландлиги 15 см дан кам бўлмаган уруғ кўчатлар стандарт кўчат ҳисобланади, баландлиги 20 см дан кам бўлмаган кўчатлар биринчи навга киради. Ушбу агротехник тадбирларга риоя қилинганда 1 га кўчатзордан 400-500 минг дона стандарт кўчатлар етиштириш мумкин.

Наъматакни вегетатив усулда яъни қишги ёгочлашган новда қаламчаларидан ҳам кўпайтириш мумкин. Бу усулда улар барча оналик қимматли хўжалик белгиларини узида тулик сақлаб қолади. Бунинг учун ноябрнинг иккинчи ярмида ўсимлик тиним даврига киргандан сўнг танланган истиқболли наъматак шакллариининг буталаридан диаметри 1,5-2см бўлган бир йиллик новдаларидан 30 см узунликда тайёрланган қаламчалар 50 донадан қилиб боғланади ва тагига қум тўшалган траншеяга қуйи қисмини пастга қаратиб вертикал ҳолатда кўмилади ва шу ҳолатда баҳоргача сақланади. Баҳорда очик грунтга экиш имконияти пайдо бўлгач, қаламчалар аввалдан тайёрланган эгатларга экилади. Бу даврда қаламчаларнинг қуйи қисмида каллюс ҳосил бўлган бўлиб, экиш жараёнида қаламчаларни эҳтиётлик билан экиш зарур. Қаламчалардан етиштирилган кўчатлар тез ўсади ва вегетация охирида 1-1,5 м баландликка эга бўлади, улар 2 йили ҳосилга киради.

Плантацияларда тупроққа ишлов бериш, наъматак кўчатларини ўстиришда муҳим бўғим ҳисобланади. Тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад унинг физик хоссалари, намлик ва иссиқлик режими, минерал озучаланишини яхшилаш ва ёввойи ўтлардан тозалашдан иборат. Ушбу ишлар юқори агротехник даражада амалга оширилса, юқори маҳсулдорликка эга наъматак плантациялари яратилишига замин яратилади, Тупроққа асосий ишлов бериш тури бўлиб ерни ағдариб ҳайдаш ҳисобланали. Агар кузда ёғингарчилик кам бўлиб тупроқ қуруқ бўлса, ер ҳайдашдан аввал плантацияга ажратилган майдон суғорилиши лозим. Биринчи навбатда тупроққа ишлов беришда барча ишлар Республикамиз минтақаларида сув танқислигини эътиборга олган ҳолда намликни йиғишга ва сақлашга қаратилган бўлиши керак. Ер ҳайдашда асосий ишлатиладиган плуг-ПЛН-3- 35 уч корпусли осма плуг ҳисобланади. Унинг вазифаси ерни 30 см чуқурликда 105 см кенгликда ҳайдашдан иборат бўлиб МТЗ-80 "Белорусь" тракторига осилади. У бир соатда 0,45 га ер ҳайдайди. ПЛН-4-35 тўрт корпусли плуги ерни 30 см чуқурликда ва 140 см кенгликда ҳайдайди. Бир соатда 0,75 га ерни шудгорлайди. Бу ДТ-75 тракторига осилади. Тупроқни майда ҳолатга келтириш учун-БЗТС-1,0 ва БЗСС-1,0 маркали тишли бороналардан фойдаланилади.

Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда наъматак плантацияларини барпо этиш учун ерни тайёрлаш ва унга ишлов бериш жойнинг қиялиги ва рельефи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Қиялиги 8° гача бўлган ерлар ялпи шудгорланади. Шудгорлаш кузда, кузги ёмғирлардан сўнг амалга оширилади. Тупроғи ювилмаган ва кам ювилган ерлар 35-40 см, кучли ювилган ерлар 27-30 см чуқурликгача ҳайдалади. Шудгорлашдан аввал 30 т/га ҳисобида гўнг солинади. Қиялиги 15" гача бўлган тоғ ён бағирлари полосалар шаклида шудгорланади. Тупроқ ювилишини олдини олиш мақсадида шудгорлаш узун полосалар кўринишида амалга оширилади. Улар оралиғида ҳайдалмаган полосалар қолдирилади. Қиялиги 8-11° бўлган ерларда шудгорланадиган полоса кенглиги 3 м, оралиғидаги ҳайдалмайдиган полоса кенглиги 2 м, қиялиги 12-15 бўлган ерларда мос равишда 3 м ва 1,5 бўлади.

Қиялик жойларда ер ҳайдашда одатда тупроқ юқоридан пастга караб ағдарилади. Тупроқ ювилишини олдини олиш мақсадида полосанинг юқори қисмида 20-25 см чуқурликда ариқча қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Наъматак плантацияларида экиш учун ажратилган кўчатлар стандарт талабларга жавоб бериши зарур. Бунинг учун истиқболли серҳосил, йирик

мевали ва сервитамин наъматак турларидан фойдаланиш зарур. Плантацияларда ўтказиладиган барча агротехник чора-тадбирлар экилган кўчатларнинг мевасида С витамини миқдорини оширишга қаратилади.

Наъматак кўчатларини плантацияларда экиш схемалари қуйидагича 8° гача қияликда ялпи шудгорланган майдонларда 4x2 м (суғориш имконияти йўқ ерларда) ва 4x3 м (суғориладиган ерларда). Бунда 4 м қаторлар орасидаги масофа, 2 ёки 3 м-қатордаги кўчатлар орасидаги масофа.

Қиялиги 15° гача бўлган ҳайдалма террасаларда 3x2 м схемаларда ҳам экилади. Кўчатлар олдиндан 40x40x50 см ўлчамда ковлаб қўйилган чуқурларга экилади. Кўчатларнинг илдизлари экишдан аввал махсус органик ўғит, ёғоч кўмир, ўстирувчи стимуляторлар ва сувдан иборат яхшилаб аралаштирилган бўтқага ботириб олиб кейин экилади.

Биринчи вегетация даврида 6-8 та, иккинчи ва кейинги йилларда 4-6 та суғориш амалга оширилади. Суғориш меъёри 600 м³/га тенг. Суғорилгандан кейин ер етилгач қаторлар орасидаги ўсимликларга ишлов берилади. Бунда тупроқ юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Битта кўчатга 2 кг ёки 2.5Т/га миқдоридан экилган кўчатлар атрофи намлик сақлаш мақсадида ёғоч қипиғи билан мулчланади. Парваришlash даврида минерал ўғитлар солиш наъматакларнинг ҳосилга кириш вақтини тезлаштиради ва ҳосилдорлигини оширади Наъматакзорлар қатор оралари ёзда қора шудгор усулида сақланади.

Бу тадбир бегона ўтларни ривожланишига йўл қўймайди ва кўчатлар ўсиб ривожланиши учун яхши шароитларни юзага келтиради. Қатор ораларига культиваторлар,бороналар ёки фрезалар ёрдамида ишлов берилади. Вегетация даврида 4-6 марта қаторлараро ишловлар берилади. Улар бегона ўтлар ўсишига қараб ўтказилади. Қаторлар ораси 8-10 см чуқурликка, қатордаги кўчатлар атрофи 4-6 см чуқурликгача, яъни горизонтал илдизларга зарар келтирмаган ҳолатда юмшатилади. 2-3 йилдан сўнг экилган кўчатлар тез ўсиб ривожланади, тупроқдаги озик моддаларни тез ўзлаштиради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Forest medicinal plants (authors: ET Berdiev, MH Khakimova, GB Makhmudova) Tashkent 2016.
2. Handbook for foresters (compiler: AA Khonazarov) Tashkent - "Labor" -1992

3. Guidelines for the organization of plantations and preparation of raw materials for medicinal and food plants (author: AK Ganiev) Tashkent 2015